



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2021 yil «10» май

№ ПФ–6222

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги
“2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида
қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш
кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ–6122-сон Фармонига
ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш дастури доирасида аҳолининг фаол дам олиши учун энг қулай шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ–6122-сон Фармонига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 10 майдаги ПФ-6222-сон Фармонига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги
“2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча
ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш
тўғрисида”ги ПФ-6122-сон Фармонига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**1. 2021 йилда қўйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгилансин:**
14 май – жума;
2 сентябрь – пайшанба;
3 сентябрь – жума;
31 декабрь – жума”.

2. 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**2. 2021 йилда дам олиш кунлари:**
27 март – шанба кунидан 22 март – душанба кунига;
17 июль – шанба кунидан 21 июль – чоршанба кунига;
24 июль – шанба кунидан 22 июль – пайшанба кунига кўчирилсин”.

3. 3-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**2021 йил 2 январь – шанба, 20 март – шанба, 22 март – душанба,
15 май – шанба, 21 июль – чоршанба, 22 июль – пайшанба ва 4 сентябрь –
шанба кунлари барча ходимлар учун, иш ҳафтасининг туридан қатъи
назар, дам олиш кунлари ҳисобланади”.**

